



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 4-dekabr. Payshanba • 145-146 (31.893) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Сайлов участкаларида

барча қулайликлар яратилган


Қонунчиликка мувофиқ, сайлов участкалари сайловчиларга имкон қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда тузилади. Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайлов куни овоз беришни ташкил этиш учун сайлов участкалари иши йўлга қўйилди ва улар тегишли ахборот материаллари, кўргазмалар воситалари билан таъминланди.

Пойтахтимизда жойлашган сайлов участкалари фаолияти билан танишиш мақсадида Миробод туманидаги 175-сайлов участкасида бўлди. Бу ерда сайловчилар учун шароитлар яратилган бўлиб, хоналарда барча зарур техник ва кўргазмалар воситалари, шунингдек, сайловчилар тўлиқ маълумот олиши учун сайлов тўғрисидаги қонунлар тўплами мавжуд. Бундан ташқари, тиббиёт ҳамда оналар ва болалар хоналари ташкил этилган.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида ишлар кизгин олиб борилапти, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Саидхамид Саидусмонов. — Участкамиз ҳудудида 2010 нафар сайловчилар рўйхатга олинди. Шунингдек, сайлов куни ўз тураржойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар рўйхати ҳам шакллантирилиб, улар учун қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан олдин овоз бериш жараёни ташкил этиш борасида иш олиб борилапти.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.



САЙЛОВ — 2014

### Пухта тайёргарлик кўрилди

Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига 21 декабрда бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ушқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

— Депутатликка номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилинди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Ерناзар Жуманазаров. — Сиёсий партияларнинг сайловолди дастури телевидение, радио ва газеталарда қонунда белгиланган тартибда тарғиб қилинмоқда.

Сайловолди тайёргарлик ишларини кенг ёриштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳузурида тузилган матбуот маркази томонидан ўтказилаётган анжуманларда ушбу муҳим сиёсий жараёнинг бориши ҳақида мунтазам маълумотлар бериб борилаётган.

Сайловлар қонунчилик доирасида, ушқоқлик билан ўтишини таъминлаш учун 589 сайлов участкасининг барчасида пухта таратилди.

А.ОРТИҚБОВ, ЎЗА мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

### Янги тиббий мажмуа

Бешарик туман марказида бунёд этилаётган замонавий шифохона мажмуасининг ички касалликлар, жарроҳлик, шовилинг ёрдам, реанимация бўлимлари фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизimini ислох қилишни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлашга қаратилган Дастур доирасида қурилаётган мазкур даволаш-соғломлаштириш мажмуаси ноёб лойиҳа экани билан ажралиб туради. У тиббиётнинг барча йўналишларини ўзида мужассам этган. Ҳозирнинг ўзида саккиз миллиард сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилди. Келгуси йил болалар бўлими, дорихона, лаборатория, 2016 йилда эса туғуруқ комплекси, юкүмли касалликлар бўлими ва бошқа даволаш иншоотлари қурилиши режалаштирилган.

— Бу бешарикликлар учун ажойиб байрам соғаси бўлди, — дейди Туман тиббиёт бирлашмаси бош врачлари Абдуқанош Тўхтақулов. — Янги шифохонада барча шарт-шароитлар муайён. Аҳоли саломатлиги йўлида кўрсатилаётган бундай ғам-хўрликдан аҳоли ҳам, биз шифокорлар ҳам мамнун.

Бешарикдаги шифохонанинг очилишига бағишланган тантананда вилоят ҳокими ўринбосари Хотинқизлар кўмитаси раиси Мавлудахон Ҳужаева қурувчиларга миннатдорлик билдириб, жамоага шифохонанинг рамзий қалитини топширди.

Мухаммадҷон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАВРА СУҲБАТИ

## Сайловда келажак учун овоз берилади



Мамлакатимиз катта сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар арафасида турибди. Бугун халқимиз, кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибори ушбу воқеага қаратилган. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини қизгин олиб бормоқда.

Асосий мақсад — сиёсий партиялар сайловолди дастури ва

улардан депутатликка кўрсатилган номзодлар билан сай-

ловчиларни яқиндан таништириш, сайлов ушқоқлик билан ўтишини таъминлаш, энг муҳими, номзодлар орасидан муносиблар депутатликка сайланишига эришиш. Чунки бугун биз кимга овоз беришимиз келажакда ҳаётимиз қандай бўлишини белгилайди. Бошқача айтганда, эртага халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти, ҳақ-ҳуқуқларимиз ҳимояси, қонунларимиз ҳаётлиги депутатларга боғлиқ бўлади.

Сайловларнинг аҳамияти, сайловчиларнинг бурчи, овоз бериш тартиблари тўғрисида жамоатчиликка, айниқса, ёшларга мутахассислар фикр-мулоҳазалари, таклифларини етказиш мақсадида таҳририятимизда «Сайловнинг давлат бошқарувини янгилаш ҳамда жамият ҳаётини демократлаштиришдаги ўрни ва аҳамияти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

▶ Давлати 2-бетда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган кишилар меҳнат фаолияти, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий сўғуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни муҳим вазифалардан, деб ҳисоблайди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

3 4 5 6 7

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

### Меҳнат ярмаркаси ўтказилди

Узун тумани ҳокимлиги, прокуратураси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида навбатдаги Меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда юзга яқин корхона 321 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида туманда 7 марта шу каби ярмарка ташкил этилиб, унда 3 минг нафардан ортиқ киши муқим иш ўрнига эга бўлди, — дейди ЎзХДП Узун туман кенгаши раиси Шухрат Юсупов. — Иш билан банд бўлаётганларнинг

аксарияти ёшлар, асосан коллеж битирувчилари эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Тадбир якунида 100 нафар киши иш билан таъминланди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБУНА — 2015

### Умурбек БЕКТЕМИРОВ, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Мен Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастури ва ғояларини қўллаб-қувватлайман. Сайловда шу партиядан кўрсатилган номзодга овоз бермоқчиман. Лекин аввал унинг ўз сайловолди дастури, келгуси режалари ҳақида яқиндан билмоқчиман. «Ўзбекистон овози»нинг бугунги сонидан шу ҳақида маълумот берилибди. Уни, албатта, ўқийман.

ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан ногиронлар куни муносабати билан 106-сон заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернатида тадбир ташкил этилди.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонидан танишасиз.



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

### САЙЛОВЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ

сиёсий ҳуқуқларни амалга оширишнинг муҳим шаклидир



www.uzbekistonovozi.uz



ДАВРА СУХБАТИ

САЙЛОВДА КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРИЛАДИ

Давра суҳбатини «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бosh муҳаррири Сафар ОСТОНОВ олиб борди.

— Дунё таърибасидан маълумки, сайловлар қандай ўтиши мамлакатдаги ҳуқуқий меъёрлар, сайлов ҳуқуқий эркинлиги қандайлиги ва фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ, — деди у. — Ҳар бир сайловчи кимга ва нима учун овоз беришини онгли равишда мустақил ҳал этиши лозим. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқароларни жамиятини ривожлантириш концепциясида сайлов тушунчасига кенг ўрин берилиб, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакилик органига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқий миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этиши таъкидланди. Сайловлар мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий меъёрларнинг нечоғли демократик руҳда эканини намоян этиши ҳам Концепцияда қайд этилган.

Сайловлар юқори савияда ўтиши учун, аввало, фуқароларда сайлов ўзи нима, у нима учун ўтказилади, биз нима учун овоз берамиз, овозимиз нимага хизмат қилади, каби саволларга жавоб бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Сайлов участкасига келган ҳар бир овоз берувчи буни тушунса, демак, сайлов фаоллик ва ушшоқлик билан ўтади, давлатимизнинг юқори вакилик органига халқимиз кўнглини топган, чиндан ҳам ишонч қозонган одамлар сайланади.

Фуқаролар сайловда онгли равишда овоз бериши учун ўз бурчини, вазифини аниқ тасаввур қилиши керак. Сайловчи, аввало, қайси номзод кимлиги, унинг салоҳияти, соддароқ айтганда, нима ишларга қодирлигини яхши билиши зарур. Шундан сўнг кимга овоз бериш унинг ихтиёрида. Кимга ишонса, қайси ғоя, қайси номзод дастури маъқул бўлса, шунга қараб овоз беради. Шунинг учун сайлов ҳақида, унинг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида, сайлов куни овоз бераётганда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида сайловчиларга яна бир бор тушунча бериш муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ҲўХДП фракцияси аъзоси:

— Сиз мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепцияда сайлов билан боғлиқ тўғрисида бандни эслатиб ўтдингиз. Дарҳақиқат, ушбу дастурий ҳужжатда сайлов халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли эканлигига ҳам урғу берилган. Концепцияда таъкидланганидек, давлат ҳокимияти вакилик органига сайловлар фақат кўппартиявийлик тамойили асосида ўтказилади.

Мамлакатимизда бугун демократик сайлов тизими шаклланиши, бунинг учун тегишли қонунлар тақомиллаштирилгани, сиёсий партиялар кучайганини ҳисобга олиб ҳулоса қиладиган бўлсак, навбатдаги сайловлар ҳар қачонгидан қизгин ўтишига тўла асос бор. Бироқ сайлов қандай ўтиши, энг аввало, сайловчининг ҳуқуқий-сиёсий билимига боғлиқ. Маълум бир қисм сайловчи онгли равишда овоз берса-ю, бошқа бир қисм сайловчи фаол фуқаролик позициясини намоян этмаса, номга овоз берса, бу ҳолат сайловнинг умумий натижаларига путур етказиши, жамият тараққиётига салбий таъсир қилади.

Бугунги депутат билан 10-15 йил олдинги депутат эмас, уларнинг имкониятлари ҳамда ваколатлари ўртасида ҳам қатта фарқ бор. Бу йил профессионал, яъни икки палатали парламент тизимига ўтганимиздан кейинги учинчи сайлов. Парламентнинг макъеи, ваколатлари, фаоллиги қўлама кенгайиб боргани сари у ерда ишлайдиган вакилларнинг ҳам таърибаси, салоҳияти ўсиб бориши керак. Шунинг учун сайловнинг энг муҳим хусусияти унда қўлланб номзодлар орасидан муносиб номзодларнинг сайланиши, халқона тилда айтганда, сараланишидир. Бу, юқорида айтилганидек, сайловчининг дунёқарашига, фуқаролик позициясига боғлиқ. Сайловчи, энг аввало, сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари дастурига қандай эътибор қаратиши керак.

Сайловчи қандай асосларга таяниб муносиб номзодни танлайди? Менимча, бу ўринда энг муҳим асос партияларнинг дастури, ғоялари бўлиши керак. Бунинг учун партия ташкилотлари жойларда сайловчиларга ўз дастури ва ғояларини етказиб бериши зарур. Аммо, айрим туман, шаҳарларда сайловчилар сиёсий партияларнинг таъсири, фаоллигини етарли даражада сезмапти. Менимча, қаерда сайловчи партиялар, уларнинг сайловдаги дастури ҳақида яхши тасаввурга эга бўлмаса, ўша ерда тарғибот этиши-

Сотиболди БОБОҚУЛОВ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги хузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курслари директори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ҲўХДП гуруҳи аъзоси, юридик фанлар доктори, профессор:

— Жамиятда маълум бир ютуқларга эришиш учун барча меъёрларни бир хилда олиб бориш керак. Қонунларни ҳам жамият ҳаёти ва талабларига мослаштириб тақомиллаштириш тақозо этилади. Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар сайловлар демократик асосда ўтказилишида, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқий тўлиқ амалга оширишда муҳим омил бўлади. Масалан, бир муҳим меъёрга тўхталиб ўтайлик. Қонунга кўра, сайловга бир кун қолганда сайловдаги ташвиқотни тўхтатиш лозим. Бу ўтган сайловларда кузатишган нуқсонларни бартараф этишга хизмат қилади. Қонунчиликка киритилган ҳар бир меъёр шу маънода аҳамиятли.



Санжар ШОТУЛАТАНОВ олган суратлар.

Қонунчилигимизда шундай тизим яратилганки, партиялар дастури тарғиб қилиши учун, номзодлар мақсади ва фикрларини сайловда етказиши учун, ниҳоят, фуқаролар ўзлари маъқул кўрган номзодга овоз бериши учун қулай имкониятга эга. Яна бир долзарб масала сайловчиларнинг номзодларга муносабатини кучайтиришидир. Яъни, улар номзод билан қизиқиши, уни ўрганиши керак. Шунда сайловчи муносиб номзодга овоз беради. Шундангина сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларнинг ҳаётимизда самараси кўринади.

Ҳозир оммавий ахборот воситаларида «Мен биринчи марта овоз бераман», деган руқ пайдо бўлди. Унда ёшлар жамиятимиз ривожланишига бефарқ эмаслигини билдиришмоқда, сайлов эртанги ўзгариш ва ютуқларимизда муҳим ўрин тутишини таъкидлашмоқда. Очиги, мени ёшларнинг бундай сўзлари жуда тўлқинлантирди. Фаол, уйғоқ ёшлар муносиб номзодларга овоз бериши учун уларга аввало сайлов нима, фуқаролик бурчи нимадан иборатлиги тўғрисида кўпроқ тушунча бериш керак.

Даврон ОЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти етакчи илмий ходими:

— Агар дунё давлатлари қонунчилиги, сайлов ўтказиш тартибларига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирда БМТга аъзо 200 дан ортиқ давлатнинг бор-йўғи 60 дан ортиқда Марказий сайлов комиссияси ташкил этилган. Бошқа давлатларда сайловларни ижро ҳокимияти назорат идоралари ўтказиши. Масалан, айрим давлатларда сайловни Ички ишлар вазирлиги ўтказиши. Бу ҳам қайси-дир маънода ижро этувчи ҳокимиятнинг бевосита сайловларга таъсири ҳисобланади. Бизда Марказий сайлов комиссияси Конституциявий мақомага эга ва давлат идораларининг мустақил фаолият юротида. Фуқароларимиз бундан, албатта, билишлари керак.

Сайловчи қандай асосларга таяниб муносиб номзодни танлайди? Менимча, бу ўринда энг муҳим асос партияларнинг дастури, ғоялари бўлиши керак. Бунинг учун партия ташкилотлари жойларда сайловчиларга ўз дастури ва ғояларини етказиб бериши зарур. Аммо, айрим туман, шаҳарларда сайловчилар сиёсий партияларнинг таъсири, фаоллигини етарли даражада сезмапти. Менимча, қаерда сайловчи партиялар, уларнинг сайловдаги дастури ҳақида яхши тасаввурга эга бўлмаса, ўша ерда тарғибот этиши-

мапти. Шунинг учун ҳам сайловчи партия ғояси ёки дастурига эмас, балки номзоднинг шахсига, унинг ўзи эртага нима олишига кўпроқ эътибор беради. Бундан келиб чиқадики, сайловда ташвиқоти ҳар томонлама самарали, таъсирчан ташкил этилиши муҳим. Токи сайловчилар овоз бериш учун бир қарорга келаётганда номзодларнинг шахсий хусусиятлари билан бирга, партияларнинг ғоялари, дастуриларини ҳам тушуниб, ҳисобга олсин.

Ҳозир сайловдаги ташвиқоти сиёсий партиялар нашрларида анча фаол олиб бориляпти. Лекин, менимча, сиёсий партиялар сайловдаги ташвиқотини аудио-визуал оммавий ахборот воситалари орқали ҳам олиб боришга эътиборни кучайтириши керак. Чунки, бугунги кунда кўпчилик, айниқса, ёшлар асосий ахборотларни интернетдан оляпти. Бунга эътибор бериш, тарғибот масаласига эркин муносабатда бўлиш лозим, деб ўйлайман. Афсуски, ҳозирча фойда-

ланувчилари ва ўқувчилари кўп бўлган интернет нашрлари, ижтимоий тармоқларда сиёсий партиялар вакилларининг сайлов олдинда чиқишлари яққол кўзга ташланмапти.

Эркин РОХИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, юридик фанлар номзоди, доцент:

— 2009 йилдаги сайловлардан кейин сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларга эътибор берадиган бўлсак, уларнинг аксарияти бир мақсадга, у ҳам бўлса, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари эркинлигини таъминлашга қаратилмоқда. Масалан, қонунчиликка киритилган мuddатидан олдин овоз бериш институти олайлик. Қонунга кўра, мuddатидан олдин овоз бериш сайловга 10 кун қолганда бошланади ва сайловга бир кун қолганда тўхтатилади. Демак, кимдир хизмат юзасидан ёки бошқа бир зарурат билан сайлов куни тураржойида бўлмаса, олдинроқ овоз бериш имкониятига эга.

Сайлов билан боғлиқ қонунчиликка 2014 йилнинг ўзида уч марта ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ҳақлар билан қоралари белгиланди. Бу борада Маъмурий жавобгарлик кодексида 8 моддадан иборат янги бўлим қўшилди.

Хорижий таърибадан келиб чиққан ҳолда, кейинчалик ҳам бу борада қонунчиликни тақомиллаштириш зарур бўлади. Масалан, сайлов билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ишлари судга бўлган жараёнларда ким иштироки, баённома тузиш ёки судга олиб чиқиш масалалари қандай хал этилишига янада аниқлик киритилиши керак, деб ўйлайман.

Сайловларда турли кўринишдаги қонунбузилишлари ва фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини гайриқонуний равишда чеклаш ҳолатлари ҳам кузатилиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай ҳолатлар юз бермаслиги ва уларнинг олдини олиш учун, аввало, сайлов қонунчилиги талабларини ҳар бир сайловчи ҳамда сайлов жараёнининг бошқа иштирокчилари яхши билишлари зарур.

Қонунлардаги меъёрларни билган одам доим ҳушёр бўлади, нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳам билади, ҳурмат қилади. Қонунга эид хатти-ҳаракатларни тез пайқайди, унга ўзининг тезкор муносабатини билдира олади. Гап айланганда, бундай ҳолатда сайловчи яна бир нуқтага келяпти: сайлов қандай ўтиши жамиятнинг ҳуқуқий-сиёсий маданияти даражасига боғлиқ. Бўлажак сайлов ўтган сайловга

нисбатан қонунчилик янада ривожланган, сайловчилар ҳуқуқий-сиёсий маданияти сезиларли даражада ўсган бир шарафлиқ эътибор.

Суяржон ҚУРБОНҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

— Марказий сайлов комиссияси қарори билан сайлов кампанияси бошланганидан буюн икки ойдан зиёд вақт ўтди. Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатларига қирадиган барча ишларни вақтида ва белгиланган тартибда амалга ошириб келмоқда. 9 мингдан ортиқ сайлов участкалари тузилиб, участка сайлов комиссиялари шакллантирилди. Уларнинг таркибида 90 минг нафардан зиёд фуқаро фаолият олиб бормоқда. Қонунга мувофиқ уларнинг бирондаси ҳеч қайси сиёсий партияга аъзо эмас. Демак, улар ҳамма партияга бирдек қараб, сайловни юқори даражада ташкил қилишга бел боғлаган. Марказий сайлов комиссиясининг

оила аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишига хизмат қилади.

Азиза ИБРОҲИМОВА, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, Президент стипендианти:

— Тарғибот-ташвиқот тадбирларида турли фикрлар, ҳар хил кайфиятдаги муносабатларга дуч келамиз. Айрим ҳолатлардаги тадбирлар ёки учрашувларда одамларда олдинги сайловда сайланган депутат фаолиятдан қониқмагани ҳақида гаплар бўлиб қолади. Бундай ҳолатларда масъулиятнинг бир томони сайловчиларнинг ўзига бориб тақалади. Сабоби, сайловчилар овоз беришдан олдин номзоднинг кимлиги билан, унинг дастури, мақсади, келгуси режалари, қолаверса, инсонийлик фазилатлари билан яхши танишиб, овоз бермоғи зарур. Шунинг учун номзодлар билан учрашувларда фуқаролар фаол бўлиши, уларни ҳар жиҳатдан синовдан ўтказиши керак.

Халқимиз, катта авлод вакиллари оdatда ҳаётимиз, кундалик турмушимиз билан боғлиқ масалаларда пухта ўйлаб қарор қабул қилади. Мисол учун, бўлгуси келин ёки кувени танлашда, қариндошлик ришталарини ўрнатилган олдин сўраб-суриштирилади, кўннинг фикрини билиб, кейин бир қарорга келинади. Бу бизнинг миллий кадриятимиз. Депутатлик номзодларни танлашда ҳам шундай талабчанлик муҳимдир. Биз сайлайдиган депутат эртага давлатнинг юқори идорасида ишлайди, ҳаётимиз билан боғлиқ қонунлар қабул қилинишида қатнашади, бизнинг вакилининг сифатида бизнинг номимиздан иш қўради. Шундай экан, нега биз бу масалага жиддий қарамаслигимиз керак?.. Бир тадбирда кўпни кўрган отахон шундай деди: Ҳеч қандай омил мамлакатнинг яхши ривожланишига тўғри танланган кадрларчалик таъсир кўрсата олмайд. Бу фикр ҳаммамизга ўрнатқ бўлиши керак, назаримда.

Фарҳод ҲАЙИТБОЕВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўлим бошлиғи:

— Сайловлар қанчалик адолатли ўтмасин, қанчалик жонкуяр ва салоҳиятли депутатлар сайланмасин, вакиллик ҳокимияти жамият ҳаётининг муҳим стратегик масалаларини ҳал

қилиши бўйича етарли ваколатга эга бўлмаса, қонунларни ишлаб чиқиб қабул қилишда, уларни ўзгартаришда фикри, позициясини билдира олмаса, сайловнинг давлат бошқарувини демократлаштиришдаги аҳамияти йўқолади.

Мамлакатимизда парламент ислохотларини чуқурлаштиришда, вакиллик ҳокимиятининг давлат бошқарувидаги ўрнини мустаҳкамлаб боришда бу масалалар алоҳида эътиборга олинапти. Утган сайловдан кейинги вақт мобайнида нафақат сайлов билан боғлиқ қонунчилик, шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ишлаш тартиби, масалаларни муҳокама қилиш жараёнини ривожлантириш, янада демократлаштириш, улар қабул қилдиган қарорларнинг таъсир кучи, ҳуқуқий мақоми ошди.

Ҳозир Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунлар лойиҳалари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар кўриб чиқилаётганда ҳар бир депутатнинг, фракцияларнинг фикри, муносабати, таклифи албатта ҳисобга олинмоқда. Уларнинг қабул қилиниши ёки қилинмаслиги сабаблари юзасидан ялпи мажлисда асослантирилган тушунтириш берилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тегишли ҳудудни ривожлантириш билан боғлиқ энг муҳим масалаларни муҳокама этиб, қарорлар қабул қилишти, мазкур қарорлар ижрога қаратилди, депутатлар маълум долзарб масалаларни ўрганиб, сессиялар муҳокамасига олиб чиқяпти, уларнинг таклифлари қарорларга асос бўляпти.

Сайловчилар, айниқса, ёшлар бу жараёндан яхши баҳардор бўлиши керак. «Депутат бўламан деганлар куруқ ваъда беради, аслида уларнинг ваколати кўп нарсага етмайди» мазмундаги нотўғри муносабатлар асосизлигини ҳамма билиши зарур.

Ҳилола МАМАДАЛИЕВА, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти катта мутахассиси:

— Мамлакатимизда бу йилги сайловлар бунундай янги ҳуқуқий шарафлиқга эришди. Нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, дунё таниган сиёсатшунослар, олимлар шу ҳақда, умуман, Ўзбекистон халқи демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида муҳим ютуқларни кўлга киритаётганини тақдор ва тақдор эътибори билан қўради. Бундай муносабатлар шунчаки расмийлик учун эмас, балки ҳаётий факта асосланиб билдирилмоқда.

Маълумки, бу йилги сайлов натижаларига қараб, сиёсий партиялар янги ҳуқуматни шакллантиришда бевосита иштирок этади. Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Ушбу меъёр парламент демократиясининг энг муҳим белгиларидан бири, десак, тўғри бўлади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, янгилашб келаётган сайловнинг давлат бошқарувини янгилаш ҳамда жамият ҳаётини демократлаштиришдаги ўрни ва аҳамияти жуда катта. Бу муҳим масалаларни одамлар яхши билиши ва сайловчи сифатида ўз масъулиятини англаши зарур.

Сайловчилар кимга овоз беришида, номзодлар орасидан муносибларини танлай олишида кўп нарса номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловдаги ташвиқотига боғлиқ. Утган сайловлар жараёнлари билан боғлиқ таҳлиллар айнан шу масала ўта долзарб эканини кўрсатади. Сайловчилар билан юзма-юз суҳбатларнинг таъсир кучи ниҳоятда катта. Сайловчиларнинг сиёсий партия ёки номзод ҳақида фикри ана шу жараёнда кўпроқ шаклланади.

Депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувларда дадил ва ишонч билан гапирмаса, саволларга аниқ, асосли жавоб беролмаса, кўп нарса йўқотади. Айтётган гапимиз ҳаётий бўлса, одамлар бизни, албатта, эшити-тади, тушунади, қўлаб-қувватлайди. Сиёсий партиялар, уларнинг етакчилари, номзодлар, ишончли вакиллар сайловдаги ташвиқоти тадбирларида бу масалага жиддий эътибор қаратишлари зарур, деб ўйлайман.

Давра суҳбатидида таъкидланганидек, сайлов давлат бошқарувини янгилаш ҳамда жамият ҳаётини демократлаштиришда муҳим ўрин тутди. Мамлакатнинг тараққиёти, халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқи таъминланиши, турмуш шарафти қандай бўлиши сайланадиган депутатларга боғлиқ. Кимлар депутат этиб сайланишини эса сайловчилар — сизу биз кимга овоз беришимиз ҳал қилади.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Тўлқин ТўРАХОНОВ ёзиб олди.



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Жиззах вилояти



## Баходир НАЗАРОВ (29-Жиззах сайлов округи)

1966 йилда Бахмал туманида туғилган. Хозирги Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Мехнат фаолиятини 1992 йилда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти марказий кўмитаси йўриқчилигидан бошлаган. Кейинчалик «Жиззах ҳақиқати» газетаси муҳбири, бўлим мудири, масъул котиби, вилоят ҳокимлигининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари котибияти референти, бош мутахассиси, ташкилий-назорат гуруҳи бош мутахассиси, вилоят ҳокимининг ёрдамчиси вазифаларида ишлаган. 2012 йилдан «Жиз-

зах ҳақиқати» ва «Джизакская правда» газеталари бош муҳаррири. Уни вилоятда кўпчилик салоҳиятли, меҳнатсевар мутахассис, қалами ўткир журналист сифатида яхши билади ва ҳурмат қилади. Журналистларнинг маънавиясини яхшилаш, уларнинг тобора ўқимишли, мазмунли ва таъсирчан бўлишини таъминлаш борасида қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. У камчиликлар, ҳаётда учраб турадиган нуқсонларга нисбатан муросасиз, қатъиятли, ўзига ва ўзгаларга талабчан. — Касбим журналист бўлгани сабабли турли касб-корли кишилар даврасида кўп бўламан, — дейди у. — Бугун улар юртимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан, жойларда бўлаётган қиёси йўқ ўзгаришлардан, яратувчилик ишларидан, кундан кунга яхшиланаётган турмушларидан рози бўлиб ҳаёт кечирмоқда. Аммо, айрим ҳолларда жойларда бўлаётган бюрократик қарашлар,

ўзибўларчилик, лоқайдликларнинг ҳам гувоҳи бўляпмиз. Бундай вазиятда вакиллик ҳокимияти ҳокимликлар, вазирликлар, ҳукумат олдига тегишли ижтимоий масалаларни кўйиши лозим, деб ҳисоблайман. Мен Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлансам, аввало, иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарасини ошириш юзасидан парламент назоратини кучайтириш тақлифи билан чиқишни мақсад қилганман. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, айниқса, қишлоқ ахли турмушини янада фаровон қилишга йўналтирилган қонунларни тақомиллаштириш учун астойдил ҳаракат қиламан. Баходир Назаровнинг мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларга бағишлаб ёзган қатор публицистик мақолалари жамоатчилик томонидан кўп бор эътироф этилган.



## Зуфар НАРЗУЛЛАЕВ (33-Пахтакор сайлов округи)

1970 йилда Галлаорол туманида туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Мехнат фаолиятини 1991 йилда Жарқўрғон пахта тозалаш заводида катта ҳисобчиликдан бошлаган. Сўнгра Сурхондарё ва Самарқанд ви-

лоятларида пахтачилик, қурилиш ва темир йўл соҳаларида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган. 2003 йилдан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси Тошкент минтақавий темир йўл узелининг молия бўлими бошлиғи, 2008 йилдан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи. — Юртимиз иқтисодиёти ўсгани сари ишлаб чиқаришда, саноатда барқарор иш ўринлари кўпаймоқда, — дейди у. — Демак, иш берувчи ва ишчи-ходимлар ўртасида меҳнат муносабатларини ривожлантириш, айниқса, ишчи-ходимларнинг меҳнат шaroитларини қонун меъёрларига

мослаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу масалаларда меҳнат ва бошқа тегишли қонун ҳужжатлари ижросини тўлиқ таъминлаш, уларга замон талаб этаётган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарур. Ўз сайловолди дастуриини шакллантиришда шуларга алоҳида эътибор қаратдим. Мехнат муносабатларини расмийлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимларнинг ижтимоий сўғуртаси, уларнинг пенсия таъминотига оид қонунчиликда белгиланган талабларга риоя қилиш масалаларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг масъулиятини янада кучайтириш бўйича тақлиф ва ташаббуслар билан чиқмоқчиман. Зуфар Нарзуллаев 2014 йилда «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланган. У темир йўл компанияси тизимида катта обрў-эътибор қозongan.



## Зулайхо АКРАМОВА (30-Дўстлик сайлов округи)

1970 йилда Бахмал туманида туғилган. Жиззах давлат педагогика институтини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — бошланғич таълим ўқитувчиси. 1992-2002 йилларда Бахмал туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси, туман халқ таълими бўлими услубчиси, туман ҳокимлигининг умумий бўлими референти, «Мехр-шафқат ва саломат-

лик» жамоат фонди туман бўлими раиси, «Ойла» илмий-амалий маркази Жиззах вилоят бўлими етакчи мутахассиси, вилоят Касаба уюшмалари бирлашмаси референти бўлиб фаолият юритган. 2002-2011 йилларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилоят Кенгаши болалар ташкилоти раиси, ташкилий кадрлар ва ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи, Жиззах вилоят ҳокимлигида котибият мудири лавозимларида ишлаган. 2011 йилдан Жиззах вилоят Архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи. — Депутат бўлиб сайлансам, йирик корхоналарда касаначилик иш жойларини ташкил этиш механизмларини янада тақомиллаштириш, уларнинг меҳнат ҳуқуқи кафолатини таъминлаш, шулар орқали аёллар ва жисмоний имкониятлари чекланган шахсларни меҳнатга жалб қилишни кенгайтириш бўйича қонунчиликни ривожлантириш, улар ба-

жариллиши устидан изчил депутатлик, парламент назорати олиб бориш учун ҳаракат қиламан, — дейди у. — Масалан, ўз уйида дурадорлик, тунгасозлик, қосиблик, кулолчилик, каштачилик, зардўзлик каби ҳунарлар билан шуғулланадиган кишилар ишини қонуний асосда оилавий тадбиркорликка айлантириш учун тижорат банкларидан имтиёзли микрокредитлар олишини ҳуқуқий механизмларини соддалаштириш бўйича ташаббуслар билан чиқишни режалаштирганман. Зеро, бунинг натижасида норасмий меҳнат қилаётган кишиларнинг фаолияти қонуний тартибда йўлга қўйилади, уларнинг ижтимоий муҳофазаси таъминланади ҳамда жойларда ишлаб чиқариш жадал ривожланади. Зулайхо Акрамова қаерда ишлаганини, ўзини билимли, малакали ва тажрибали мутахассис сифатида намойён этиб келмоқда.

Фарғона вилояти



## Икромжон АБДУЛЛАЕВ (90-Бешариқ сайлов округи)

1963 йилда Бешариқ туманида туғилган. 1986 йилда хозирги Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини тугатган. Мутахассислиги — муҳандис-механик. Мехнат фаолиятини 1986 йилда Тошкент тепловоз депосида уста, муҳандис-технологликдан бошлаган. 1991-2006 йиллар давомида

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли корхона ва ташкилотларда турли вазифаларда меҳнат қилган. 2006-2008 йилларда бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосари, локомотивлардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, 2008 йилдан бошлаб темир йўлларда юк ва йўловчи ташув хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. Икромжон Абдуллаев ўз сайловолди дастурида меҳнатга лаёқатли аҳолининг муносиб ҳақ тўланадиган иш топшига интилишини қўллаб-қувватлаб, уларнинг шахсий ташаббусларини ва тадбиркорлигини рағбатлантириш, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга касб танлаш, таълим

олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўринларига эга бўлиши учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ вазифаларни қўйган деб ҳисоблайди. — Депутат бўлиб сайлансам, темир йўл соҳасида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш борасида ҳуқуқий меъёрларни яратишни мақсад қилганман, — дейди у. — Шу билан бирга, уларнинг меҳнатлариغا яраша муносиб ҳақ тўлашни, дам олишни, саломатликларини тиклаш учун қўлай шарт-шароит яратиш масалаларига эътиборни оширишга ҳаракат қиламан. Бу эса ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жойларда иш сифатининг орттиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.



## Равшан СУЙУНДИКОВ (31-Зарбдор сайлов округи)

1966 йилда Зарбдор туманида туғилган. Жиззах давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — жисмоний тарбия ўқитувчиси. Мехнат фаолиятини Зарбдор туманидаги мактабда жисмоний тарбия фани ўқитувчилигидан бошлаган. 1991-1995 йилларда Зарбдор туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида футбол мураббийси вазифасида фаолият кўрсатган. 1995 йилдан

мазкур мактаб директори. У малакали мураббий ва масъулият раҳбар. Ўзоқ йиллардан бери ёшларни жисмонан бақувват, руҳан соғлом қилиб вояга етказишдек эзгу мақсадга хизмат қилиб келмоқда. — Сифатли таълим ва касб-ҳунар ўрганишининг барча учун тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада тақомиллаштириш муҳим масала, — дейди у. — Бу айниқса, қишлоқ шароитида вояга етаётган ёшларнинг келажаги, ҳаётда ўз ўрнини топишида катта аҳамият касб этади. Ўз сайловолди дастурида минтақалардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача, ўрта, ўрта-махсус таълим муассасаларини тизимли барпо этиш амалиётини янада ривожлантириш масалалари ўрин олган. Бугун олис туман ва қишлоқларда ҳам замонавий спорт майдонла-

ри ва иншоотлари барпо этилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган болалар спорт жамғармаси томонидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Мен «Халқ бир қишлоқ, маҳалла ўз спорт мажмуасига эга бўлсин» лойиҳаси бўйича тақлифларимни билдиришмоқчиман. Бу борада амалга оширилаётган ишлар устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш керак, деб ҳисоблайман. Равшан Суйундиков 2007 йилда «Халқ таълими аълочилиги» кўкрак нишони, 2009 йилда «Шуҳрат» медали ҳамда 2011 йилда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланган. Агар у сайловчиларнинг кўпчилиги овозини олса, депутат сифатида ҳам масъулият билан фаолият кўрсатишига ишонч билдиришига асос бор.



## Отабек ИРКАБАЕВ (91-Данғара сайлов округи)

1979 йилда Кўқон шаҳрида туғилган. 2001 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти менежмент мутахассислиги бўйича битирган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Халқ депутatlари Кўқон шаҳар Кенгаши депутати.

Мехнат фаолиятини 1995 йилда Кўқон локомотив депосида техник вазифасидан бошлаган. 1995-2012 йиллар давомида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясида турли лавозимларда ишлаган. 2012 йилда компаниянинг ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Кўқон минтақавий темир йўл узели бошқаруви вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган. 2012 йилдан бошлаб Кўқон минтақавий темир йўл узели бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Отабек Иркабаев ижтимоий хизматлар, ташкил этилаётган маслаҳат марказлари мақбуллигини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва ишга жойлашишда қийналаётган одамларнинг улардан фойдаланишлари учун тенг-

лик таъминланаётганлиги устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишни муҳим масала, деб билади. Отабек Иркабаев мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳалардаги ижтимоий муҳофазатни чуқур англайди. Унинг сайловолди дастуридан соҳадаги илгор хорижий тажрибаларни, янгиликларни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ долзарб масалалар ўрин олган. — Депутат бўлсам, темир йўл тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни янада кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга ҳаракат қиламан, — дейди у. — Темир йўл қанчалик ривожланса, мамлакатимизнинг иқтисодиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги шунчалик юқори суратлар билан ўсади.



## Бердиёр КУЛЖАНОВ (32-Фаллаорол сайлов округи)

1961 йилда Фаллаорол туманида туғилган. Жиззах давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — математика фани ўқитувчиси. Мехнат фаолиятини 1978 йилда Фаллаорол туманидаги Зарбулоқ ширкат хўжалигида механизаторликдан бошлаган. Институтда таҳсил олиб қайтгач, 1984-1989 йилларда Фаллаорол туманидаги 33-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1989-2003 йил-

ларда Фаллаорол туман Улгуржи чакана савдо кооператив ҳиссадорлик жамияти қошидаги асарларчилик бригадаси бошлиғи, Фаллаорол туман асарларчилик ширкат хўжалиги бўлими бошлиғи, хўжалик директори лавозимларида фаолият юритган. 2003-2005 йилларда Фаллаорол тумани «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги раиси, 2005-2008 йилларда «Зарбулоқ» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси, 2008-2012 йилларда Фаллаорол тумани «Оқ чашма» фермер хўжалиги раиси бўлган. 2012 йилдан Фаллаорол туман Фермерлар кенгаши раиси. — Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларини ривожлантириш бўйича катта имкониятлар мавжуд, — дейди у. — Хусусан, юртимизнинг кўп қисми туманларида асарларчилик хўжаликларини кўпайтириш мумкин. Бунинг учун шу соҳа билан шуғулланишга интилувчи одамларнинг

ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, қўлай ташкилий шароит яратиш масалаларини ҳал қилиш керак бўлади. Асал етиштиришни кўпайтириш натижасида қандолатчилик соҳаси янада ривожланади, ички бозор сифатли ва арзон маҳсулотлар билан бойитилади, қишлоқ шароитида барқарор иш ўринлари яратилади. Сайловолди дастурида иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган ёшлар, кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд инсонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада яратилган қонуний меъёрлар бажарилишига эришишни мақсад қилганман. Бердиёр Кулжанов табиятан дадил, ташаббуслор одам. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланса, ўзи илгари сураётган фикрларини амалга ошириш учун курашишга аҳд қилган.



## Ҳамидулло ЭСАНОВ (92-Яйпан сайлов округи)

1965 йилда Бувайда туманида туғилган. Мариуполь металлургия институтининг ишлаб чиқаришда пайвандлаш ва металлургия асослари факультетини тамомлаган. Мехнат фаолиятини 1989 йилда «Ўзнефтегазмаш» акциядорлик компаниясига қарашли Кўқон механика заводи оқик акциядорлик жамияти эксплуатация бўлими бошлиғи бўлган. Хозирги кунда Кўқон механика заводи оқик акциядорлик жамиятида техника масалалари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишламоқда. Ҳамидулло Эсанов сайловолди дастурида асосий эътиборни қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, уларга қўлайликлар яратиш, газ, сув, электр қувватини узлуксиз равишда етказиб бериш билан боғлиқ масалаларга қаратган. — Депутат бўлиб сайлансам, ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш, фермер хўжаликлари

фаолиятидаги айрим муаммоларни ҳал этиш, уларда хотин-қизлар ва ёшлар учун иш ўринлари яратишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга эътибор қаратаман, — дейди у. — Шунингдек, ноғиронларни ижтимоий инфратузилмалар, турар-жой ва жамоат бинолари, транспорт коммуникацияларидан бемалол фойдаланишлари учун шароит яратиш, аҳоли пунктлари, бино ва иншоотларни ноғиронлар учун мослаштириш ҳолда лойиҳалаштириш, аҳолига хизмат кўрсатадиган транспорт тизимини, тежамкор ер усти транспорти турларини ривожлантириш, инфратузилмасини яхшилаш ва бошқа қўлайликларни таъминлашнинг қонуний асосларини янада тақомиллаштиришда иштирок этишни режалаштирганман.



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Фарғона вилояти

## Нуман АКБАРОВ (93-Кўқон сайлов округи)



1961 йилда Кўқон шаҳрида туғилган. 1984 йилда ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети таълим олган.

У ҳар бир ишда ташаббускор, алоқа соҳасига янги ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича юқори кўрсаткичларга эришиб келаётган жонқуяр раҳбарлардан ҳисобланади.

Депутатликка номзод Фарғона вилояти телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш,

техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, ҳудудларга замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш лойиҳаларида фаол қатнашиб келмоқда.

2012-2013 йилларда NGN-Янги авлод тармоғи (Next Generation Network) лойиҳаси асосида маҳаллий телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш натижасида Фарғонада 34 688 рақам сифимли 29 та, Кўқон шаҳрида 25088 рақам сифимли 15 та, Марғилонда 11072 рақам сифимли 4 та рақамли «MSAN» кичик станциялари ишга туширилди. Шунингдек, 80 километрдан ортиқ оптик толали алоқа кабеллар ўрнатилиши ва 48 та электрон автомат телефон станцияларининг ўзаро боғланишига муносиб ҳисса қўшди.

2013 йилда юқори тезликдаги интернет хизматларини ўз ичига олган шиша толали алоқа кабелли – биногача (Fiber to the building) лойиҳаси бўйича 22 та кўп қават-

ли уйга 3,8 километр шиша толали алоқа кабеллари ётқизилишида бевосита иштирок этди.

Нуман Акбаров ташаббуси билан 179 километр оптик алоқа линияси ётқизилиб, вилоятдаги мактаб ва касб-хунар коллежлари «ZiyoNET» ахборот таълим тармоғига уланди. Натижада ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун қулай имконият яратилди.

У ўз сайловолди дастурида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш доирасида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг интерфаол давлат хизматлари ягона портали ва бошқа тармоқ ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, аҳолига қонун ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари матни билан танишиш имконини берадиган шохобчалар тармоғининг ташкил этилишига эришишни илгари сурмоқда.

## Алишербек ПАЙГАМОВ (94-Бағдод сайлов округи)



1981 йилда Кўқон шаҳрида туғилган. Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети бакалавр ва магистратурасини таълим олган.

Меҳнат фаолиятини 2003 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ахборот-таҳлил бош бош-

қармаси ахборот таъминоти гуруҳи мутахассиси сифатида бошлаган. Кейинчалик Ахборот-таҳлил бош бошқармаси МДХ, Осиё ва Африка давлатлари бошқармаси етакчи мутахассиси, 2005-2007 йилларда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Ахборот-таҳлил бош бошқармаси МДХ давлатлари бўлими етакчиси, бош мутахассиси, 2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида савдо-иқтисодий масалалар бўйича учинчи котиб, 2007-2008 йилларда биринчи котиб, 2008-2013 йилларда маслаҳатчи вазифарларида фаолият кўрсатган.

2013 йилдан эса Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Ахборот-таҳлил бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, ҳозирги вақтда эса бошқарма бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Алишербек Пайгамов ўз сайловолди дастурида бандлик ва иш ўринлари яратиш ҳудудий дастурлари ва муайян тармоқлар талабига мувофиқ, яқин келажакда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда жойларда товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ўрта муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ташаббусини илгари сурмоқда.

## Хадича НАЗАРОВА (95-Риштон сайлов округи)



1968 йилда Кўқон шаҳрида туғилган. 1990 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институти педиатрия факультетини битирган.

Меҳнат фаолиятини Жиззах шаҳридаги туғуруқхонада бошлаган. 1994 йилдан Жиззах туман марказий туғуруқхонасида, 1998 йилдан бошлаб Кўқон шаҳар туғуруқ комплексиди шифокор вазифасида ишлаган.

Хадича Назарова 2000 йилда Кўқон шаҳар тadbirkor аёл уюшмасига аъзо бўлган. У «Бахтингиз»

ва соғлигингиз ўз қўлингизда», «Обод шаҳрим» каби лойиҳаларни амалга оширган. 2001 йилдан эса «Саломатлик плюс Экология» нодавлат нотижорат ташкилоти раиси вазифасида фаолият кўрсата бошлади.

Унинг ташаббуси билан 2002 йилнинг август-декабрь ойларида «Бирдамлик» лойиҳаси амалга оширилган. Унга кўра, бир неча маҳалаларга сув ва оқова тармоғи ўтказиш ва юқумли касалликларнинг олдини олиш чора-таdbirlari кўрилди. Шунингдек, 2006 йили «Саломатлик сари бир қадам» лойиҳаси асосида ўсмирлар ўртасида ОИТБ/ОИТС касалликларининг олдини олишга қаратилган семинар тренинглари ташкил этилди.

2007 йилдан «Соғлом она – соғлом фарзанд» лойиҳаси директори ва миллий тренери сифатида фаолият юритган. Лойиҳа республика ҳудудларида амалга оширилиб, ҳар бир вилоятда 30 нафардан «Саломатлик тарғиботчиси» маҳаллий тренерлар тайёрланди.

Улар ўсмирлар ўртасида камқонлик ва бошқа касалликларнинг олдини олиш борасида семинар тренинглари ўтказилди.

Хадича Назарова ўз сайловолди дастурида меҳнатга лаёқатли аҳоли кўп бўлган минтақаларда одамларнинг барқарор равишда етарли маош олишини таъминлаш мақсадида саноат корхоналарини ривожлантириш ва янги иш ўринлари ташкил қилишни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган махус минтақавий фондлар ташкил этишни рағбатлантиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш масаласини илгари сурмоқда.

— Депутат бўлсам Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида меҳнат мигрантларини иш билан таъминлаш билан боғлиқ бандлар акс этишига ҳаракат қиламан, — дейди у. — Шунингдек, уларнинг ижтимоий сугурта ва ёшга доир нафақа билан таъминланганлиги даражасини кафолатланишига эришишни мақсад қилганман.

## Баҳромжон ОБИДЖОНОВ (96-Олтиариқ сайлов округи)



1970 йилда Олтиариқ туманида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини таълим олган.

У меҳнат фаолиятини 1993 йилда Олтиариқ туманида олдий ишчиликдан бошлаган. 1996 йилдан Фарғона вилоят Давлат Солиқ бошқармасида Матбуот хизмати бош мутахассиси, 2005 йилдан «Давр минбари» газетаси бош муҳаррири,

2010 йилдан ҳозирги вақтга қадар «Фарғона ҳақиқати» ва «Ферганская правда» газеталари Бош муҳаррири лавозимида ишлаб келмоқда.

Баҳромжон Обиджонов «Фарғона ҳақиқати» ва «Ферганская правда» газеталарининг мазмун-моҳиятини ошириш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тўлақонли ёритиш, ислохотлар самараларини кўрсатиб беришга қаратилган материаллар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда ҳар иккала нашр ҳам вилоят нашрлари орасида алоҳида нуфузга эга.

Баҳромжон Обиджонов муҳарририликдаги мазкур газеталар 2012 йилда журналистика соҳасида «Олтин қалам» бош миллий мукофотини қўлга киритган.

У журналист сифатида жойларда аҳолининг барча қатламлари, хусусан, кам таъминланган оилалар, доимий иш билан

банд бўлмаган аёллар, айниқса, ёшларни ўзи эгаллаган соҳалари бўйича иш билан таъминлашга оид масалаларни чуқур ўрганиш, унинг ечими бўйича зарур чоралар кўрилишига ҳаракат қилмоқда.

Депутатликка номзод ўзининг сайловолди дастурида Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш билан боғлиқ масалаларни илгари сурган.

Шунингдек, Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, жамиятда матбуотнинг таъсир кучини оширишга хизмат қиладиган тақлифлари билан қонун ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этмоқчи. Шу билан биргаликда депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар билдирмоқчи.

## Нозим КАСИМОВ (97-Қўштена сайлов округи)



1970 йилда Кўқон шаҳрида туғилган. 1994 йилда ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини таълим олган.

Меҳнат фаолиятини мазкур институтда бошлаган. У институт касба уюшма кўмитаси раиси, халқ бадий ижодиёти факультети декани, халқ ижодиёти кафедраси доценти, халқ томоша санъати факультети декани лавозимларида ишлаган. 2012 йилдан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ўқув ишла-

ри бўйича проректори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Филология фанлари номзоди, профессор.

Нозим Касимов 50 дан ортиқ илмий ва публицистик мақолалар, ўқув ва услубий қўлланмалар яратган. 40 дан ортиқ халқ куйи ва қўшиқларини нотага солган. Унинг раҳбарлигида «Чашма» фольклор-этнографик ансамбли фаолият юритиб, бир неча танлов ва фестивалларда фахрли ўринларни эгаллаган. У республикамиздаги бир қатор фольклор-этнографик ансамбллар билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйган. 1998 йилда «Ўзбек халқ лапарлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Унинг «Ўзбекистон бастакорлари» (I, II китоб), «Музыка фольклор ижрочилиги», «Фольклор музика ижрочилиги» каби ўқув ва услубий қўлланмалари олий ва ўрта махус таълим муассасаларида ҳамда фольклор-этнографик ансамбллар иш фаолиятида кенг қўлланиб келинмоқда.

Депутатликка номзод ўзининг

сайловолди дастурида маданият-гуманитар соҳаларда ижтимоий тенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш, таълим тизимидаги ислохотларни изчил давом эттириш, кам таъминланган, барқарор даромадга эга бўлмаган оилаларни қўллаб-қувватлаш, қобилиятли ва истеъодли болаларни эрта аниқлаш ва уларга давлат грантлари ажратиш орқали моддий имкониятлар яратиш беришга қаратилган тизимни йўлга қўйиш тарафдори.

— Депутат бўлиб сайлансам, ногирон болаларни зарур махус алабид ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича қатор тақлифларни илгари сурмоқчиман, — дейди у. — Шунингдек, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаётган музика ва санъат мактаблари фаолиятини янада кучайтириш, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш, ўқитиш сифатини ошириш масалаларига эътибор қаратишни мақсад қилганман.

## Бунёджон ЭШОНКУЛОВ (98-Марғилон сайлов округи)



1982 йилда Фурақ туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат юридик университети бакалавр ва магистратурасини таълим олган.

Меҳнат фаолиятини 2003 йилда «Нур Зиё Плюс» масъулиятли чекланган жамиятда ҳуқуқшуносликдан бошлаган. 2005-2006 йилларда Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази

методисти, 2007-2010 йилларда Адлия вазирлиги Маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси катта маслаҳатчиси, етакчи ва бош маслаҳатчиси, 2010-2012 йилларда Нотариат, адвокатура ва ФХДЭ органлари бошқармасида бўлим бошлиғи лавозимларида меҳнат қилган. 2012 йилдан ҳозирги кунга қадар Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

У меҳнат фаолияти давомида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича 10 га яқин тақлиф киритган. Уларнинг аксарияти қонунларда ўз ифодасини топган.

Бунёджон Эшонкуловнинг сайловолди дастуридан ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни тартибга солувчи қонунлар ишлаб чиқишда қонун нормаларининг бевосита таъсир

этишига, яъни ҳавола нормаларсиз қабул қилинишига эришиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига манзилли ёрдам кўрсатиш ва фуқароларнинг ижтимоий манфаатларига дахлдор бошқа масалаларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши мажбурийлигини белгилаш билан боғлиқ масалалар ўрин олган.

Депутатликка номзод, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда катта қизиқишга сабаб бўладиган масалалар бўйича қарор қабул қилишдан аввал ушбу масалалар юзасидан жамоатчилик маслаҳатлашувларини ўтказишнинг мажбурий эканини белгилаб берувчи процессуал механизмларни такомиллаштиришда фаол иштирок этишни мақсад қилган.



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Фаргона вилояти

### Рустам СУЛАЙМАНОВ (99-Фаргона сайлов округи)



1963 йилда Фаргона шаҳрида туғилган. 1986 йилда Фаргона политехника институтини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Иқтисодчи-муҳандис. Меҳнат фаолиятини 1987 йилда Фаргона туманида ҳисобчиликдан бошлаган. 1990-1992 йилларда халқ депутатлари Фаргона вилоят ижроия қўмитасининг етакчи мутахассиси, 1992-1995 йилларда вилоят ҳокимлигининг етакчи мутахассиси, 1995-1996 йилларда «Фаргонасулт» акциядорлик

жамияти вилоят бирлашмаси директори ўринбосари, 1996-2000 йилларда Куvasой шаҳар ҳокимининг умум-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, шаҳар иқтисодиёт ва статистика бўлими бошлиғи, 2000 йилда Фаргона вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 2002-2006 йилларда Фаргона вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармасида турли вазифаларда ишлаган. 2006 йилдан ҳозирги вақтга қадар Фаргона вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи лавозимида меҳнат қилмоқда.

Фаргона вилоятидаги иқтисодий ислоҳотларни жадал суръатларда олиб боришига ўз ҳиссасини қўшиб, бу соҳадаги чет эл тажрибаларини юртимизда татбиқ қилиш учун Япония, Германия давлатларида ташкил қилинган халқаро ўқув курсларини ўтаб, ўз билим ва кўникмаларини ошириб келган.

Рустам Сулайманов ўз сайловли дастурида айрим пул-кредит муносабатларида норматив-ҳуқуқий база ва тегишли ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга эришиш тарафдори.

Хусусан, терминал тармоғи ва он-лайн тўловлар тизимини янада кенгайтириш орқали аҳолининг нақд пулсиз тўлов воситаларига ишончини ошириш ва бундан уларнинг манфаатдорлигини кучайтириш бўйича қўшимча чоралар кўриш, аҳолига тўланадиган нақд пул ва пластик карточкалар асосидаги нақдсиз тўловлар ўртасидаги энг маъбул нисбатни таъминлашга эришишни мақсад қилган.

— Депутат бўлсам, тегишли идоралар ва мансабдор шахсларнинг савдо тармоғи, шу жумладан, деҳқон бозорларида терминалларнинг узлуксиз ишлаши ва аҳолига пластик карточкалар ҳисоб-рақамидagi маблағлар доирасида банккомат ёки банк кассалари орқали нақд пул маблағларининг бемалол берилиши учун масъулиятини ошириш бўйича тақдирларини илгари сурмоқчиман, — дейди у. — Шунингдек, давлат ва жамият қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламлари истақларини инобатга олиб, уларга тўланадиган пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг банк пластик карточкаларига ўз вақтида ўтказилиши устидан қатъий назоратни таъминлашда иштирок этиш асосий мақсадимдир.

### Дилмурод САБИРОВ (100-Водил сайлов округи)



1975 йилда Фаргона шаҳрида туғилган. 1998 йилда Фаргона политехника институтини қуриш факультетини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-қурувчи. Меҳнат фаолиятини 1998 йилда Фаргона вилояти «Саноат фуқаролик қурилиши» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Саноат қурилиш монтаж» ташкилотиди бошлаган. 1998-2000 йилларда Фаргона фуран бирикмалари заводининг янги цехлари қурилиши-

да иштирок этган. 2000 йилдан бошлаб «Саноатқурилишмонтаж» фирмасида иш бошқарувчи вазифасида меҳнат қилган. 2002-2004 йилларда бош пудратчи ташкилотиди иш бошқарувчи лавозимида ишлаб, Фаргона шаҳар олимпия захиралари коллежи ва бошқа муҳим иншоотлар қурилишида меҳнат қилган.

Дилмурод Сабилов 2006-2014 йиллар давомида «Farg'onaazot» акциядорлик жамиятида бир қанча вазифаларда ишлаган. 2014 йилдан шу кунга қадар «Farg'onaazot» акциядорлик жамияти мукамал қурилиш ва бино, иншоотларни қуриш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

У Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси сифатида дастурий мақсад ва гоълар тарғиботи, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларида фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Депутатликка номзод сайлов олди дастуридан меҳнатга лаёқатли

кишилар кўп бўлган минтақаларда аҳолини барқарор равишда етарли маош олишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий метёрлар яратилиши каби масалалар ўрин олган.

— Депутат бўлиб сайлансам, корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрлаш амалиётини ривожлантириш ва унинг тегишли метёрини ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга ҳаракат қиламан, дейди у. — Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг ўқувчилар касбий малакасини кафолатловчи ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш борасидаги масъулиятини ошириш, бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асослари ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, яъни уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий сугуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни мақсад қилганман.

### Абдувахоб АБДУМАЛИКОВ (101-Тошлоқ сайлов округи)



1975 йилда Қўштепа туманида туғилган. 1998 йилда Фаргона политехника институтини инженер-технолог мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Қўштепа туманида бошлаган. 1998-2007 йилларда Қўштепа туман ҳокимлиги мутахассиси, бош мутахассиси, иш юритиш бўлими бошлиғи, ташкилий-назорат гу-

руҳи раҳбари вазифаларида ҳамда «Водийгазтаъминот» шўъба корхонаси Қўштепа туман филиали директори лавозимида ишлаган.

2007-2014 йилларда Фаргона вилоят ҳокимлигида ижро интизомини назорат қилувчи масъул ходим, умумий бўлим етакчи мутахассиси, ташкилий-назорат гуруҳи бош мутахассиси, 2014 йилдан бошлаб умумий бўлим мудир лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Абдувахоб Абдумаликов ўз сайловли дастурида мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлиги даражасини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган мақсадли чора-тадбирларни янада кучайтиришга, давлат дастурлари асосида ялпи ички маҳсулотдаги ҳажминини ўсиши, ички истеъмол бозорини

ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдирish масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

— Депутат бўлсам, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт-боплигини ошириш механизмларини такомиллаштиришга ҳаракат қиламан, — дейди у. — Шунингдек, аҳоли бандлиги борасидаги сиёсатни устувор йўналиши сифатида банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини ишлаб чиқариш соҳасининг юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги корхона ва ташкилотларда муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлаш тарафдориман.

Абдувахоб Абдумаликов давлат сиёсати ва мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан яхши хабардор мутахассис.

### Сидикжон МУМИНОВ (102-Қува сайлов округи)



1956 йилда Риштон туманида туғилган. 1978 йилда ҳозирги Фаргона давлат университетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1973 йилда Фаргона механика заводида ишчиликдан бошлаган. 1978 йилдан Фаргона давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, доценти, нутқ маданияти кафедраси доценти, университет докторанти, умумий тилшунослик кафедраси доценти, ўзбек филологияси фа-

культети декани, маънавият ва маърифат бўлими профессори вазифаларида фаолият кўрсатган. У филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Сидикжон Муминов 1990 йилда номзодлик, 2000 йилда докторлик диссертацияларини ёқлаган. Унинг шу кунга қадар ўндан ортик ўқув-услубий қўлланма ва рисоалари, нуфузли илмий журнал ва тўпламларда 100 га яқин илмий мақолалари эълон қилинган. Бир неча халқаро илмий анжуманларда маърузалари билан иштирок этган.

2013 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан таъсис этилган грант танловиди «Ижтимоий экология муаммолари» монографияси тайёрлаш ва чоп этиш мавзусидаги лойиҳа билан қатнашиб, грант соҳиб бўлган.

Сидикжон Муминовнинг сайловли дастуридан сифатли таълим ва касб-ҳунар ўрганишининг

барча учун тенг, адолатли ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш, бе-пул ва муайян имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим давлат муассасалари тармоғини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар ўрин олган.

— Депутат бўлсам, кам таъминланган оилаларнинг олий ўқув юртида тўлов-контракт асосида ўқиётган фарзандлари учун таълим кредитлари беришни кенгайтириш гоъсини илгари сурмоқчиман, — дейди у. — Бундан ташқари, педагогик маълумотга эга, лекин бола тарбияси билан машғул бўлган аёлларнинг оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатидаги уй меҳнатини ташкил этишининг ҳуқуқий асосларини яратишга ҳаракат қиламан.

Сидикжон Муминов 2011 йилда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги» кўкрак нишонини ҳамда бир неча бор вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

### Аваз УРИНБОЕВ (103-Бувайда сайлов округи)



1978 йилда Олтиариқ туманида туғилган. 2005 йилда Фаргона политехника институтини, 2008 йилда Банк-молия академиясини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда бошлаган. 1997-1999 йилларда Акциядорлик-тижорат «Ўздаббиркорбанк»нинг Олтиариқ бўлимида ишлаган. 1999 йилдан «Асака» банкнинг Олтиариқ филиалида кредит бўлими мутахассиси, лойиҳалаштириш

ва молиялаштириш бўйича мутахассис, бош менежер-маркетолог, бош мутахассис лавозимларида ишлаган.

2005-2011 йилларда Марказий банкнинг Фаргона вилоят Бош бошқармасида тижорат банкларни назорат қилиш бўлими бош иқтисодчиси, Банклар ва нобанк кредит ташкилотларини назорат қилиш бўлими бош иқтисодчиси, Валюта иқтисодиёт бўлими бошлиғи, 2011 йилдан Қўқон филиали бошқарувчиси лавозимларида меҳнат қилган. 2012 йилдан ҳозирги вақтга қадар Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Фаргона вилоят бўлими бошқарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Аваз Уринбоев ўзининг сайловли дастурида таълим ва касб-ҳунар ўрганишининг барча учун тенг, адолатли ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратган.

— Депутат бўлиб сайлансам, давлат ва жамият қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламларига

пенсия ва ижтимоий нафақалар банк пластик карточкаларига уларнинг истақларини инобатга олган ҳолда ўтказилиши ва уларнинг ўз вақтида берилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш бўйича ўз тақдирларини бермоқчиман, — дейди у. — Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари орқали меҳнат ва уруш фахрийлари пансионатлари, «Саховат», «Мурувват» ва Меҳрибонлик уйлари, ногирон болалар учун мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тиббий хизматлар сифатини ошириш учун шароит яратишни кучайтиришга ҳаракат қиламан. Шу билан бирга, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва тегишли болалар муассасалари тарбияланувчиларини ҳаётини эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга йўналтирилаётган бюджет маблағларининг қатъий белгиланган мақсадлар йўлида сарфланиши устидан назоратни кучайтириш тарафдориман.

### Абдусамад ХАЙДАРОВ (104-Куvasой сайлов округи)



1981 йилда Куvasой шаҳрида туғилган. 2004 йилда Фаргона политехника институтини, 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тугатган. Халқ депутатлари Куvasой шаҳар Кенгаши депутати.

Меҳнат фаолиятини 2004 йилда Фаргона маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси сифатида бошлаган. 2008-2010 йилларда Куvasой шаҳар ҳокимлиги етакчи мутахассиси,

бош мутахассиси вазифаларида ишлаган. 2010-2011 йилларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фаргона вилоят бўлими раиси ўринбосари, 2011-2014 йилларда Куvasой иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари, директори лавозимларида ишлаган. 2014 йилдан ҳозирги вақтга қадар Фаргона шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари вазифасида ишламоқда.

Депутатликка номзод 2005 йилда «Инвент» лойиҳаси асосида Германияда, 2007 йилда «Истеъдо» фонди гранти асосида Малайзияда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ўтаган. У «Таълим тўғрисида» қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурини ҳаётга татбиқ қилиш, ёш авлодни етук мутахассис бўлиб етиштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Абдусамад Хайдаровнинг сайловли дастуридан жамиятнинг барча қатламларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятларини яратиш мақсадида

минтақалардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини олдиндан барпо этиш амалиётини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ўрин олган.

— Депутат бўлиб сайлансам, Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ижросини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратаман, — дейди у. — Бундан ташқари, беғул ва муайян имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим давлат муассасалари тармоғини кенгайтириш бўйича тақдирларини бермоқчиман. Шу билан бирга, талабаларга таълим кредитлари беришни кенгайтириш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотларга мутахассислар қўллаб-қувватлаш учун олий ўқув юртиларига грантлар ажратилиши қўшимча рабатлантиришнинг метёрини-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жисмоний имкониятлари чекланган талабаларнинг олий ўқув юртилариди таълим олиш имкониятларини янада кенгайтиришга ҳаракат қиламан.





# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Тошкент шаҳри

## Хамдам АБДУЛЛАЕВ (130-Бодомзор сайлов округи)



1963 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат техника университетини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-механик.

Меҳнат фаолиятини 1986 йилда Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис-конструкторликдан бошлаган. 1993-1996 йилларда «Қишлоқхўжа-

ликмаш» концернида етакчи мутахассис ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясида бош мутахассис вазифаларида ишлаган. 1996 йилдан «Grand Techno Group» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси.

Унинг ташаббуси билан корхонани модернизация қилиш ишлари изчил олиб борилиб, замонавий талабларга жавоб берадиган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Чунончи, 2009 йилда енгил автомобиллар учун бошқарув чамбараги каркаси ишлаб чиқарувчи цех ташкил этилди.

Хамдам Абдуллаев Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, олий ўқув юртида мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотларнинг буюртмасига асосан мутахассислар тайёрлашни рағбатлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомил-

лаштириш таклифини илгари сурмоқда.

— Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг мустақил равишда иш ўрнига эга бўлишга интилишини рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш зарур, — дейди у. — Бунинг учун яқка тартибдаги меҳнат ва тadbirkorлик фаолиятини бошлаши учун улarga имтиёзли микрокредитлар бериш, ташкил этилаётган тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказишдаги турли тўловлардан озод этиш керак, деб ўйлайман. Бундан ташқари, бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий сугуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш борасидаги қонунийликни ривожлантириш ҳам айни пайтда жуда долзарб. Агар депутат этиб сайлансам, шу масалаларнинг ечимини ва ижобий ҳал этилиши учун ҳаракат қиламан.

## Дилдора АБИДОВА (131-Астробод сайлов округи)



1963 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Мутахассислиги — кимё фани ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1978 йилда Чилонзор туманидаги 2-тери таносил диспансерида олдий ходимликдан бошлаган. ЎЗМУ кимё факультети лаборанти, катта лаборанти, кичик илмий ходими бўлиб ишлаган.

1996-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент шаҳар статистика бошқармасида турли лавозимларда ишлаган. 2014 йилдан Мирзо Улугбек туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси.

У хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида кўпгина ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ўз сайловолди дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналарнинг ҳуқуқий, сиёсий билимларини ошириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

— Воёга етмаганлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини

олиш долзарб масала, — дейди у. — Шунингдек, ҳомилдор аёллар орасида камқонлик ва ногирон фарзанд туғилишининг олдини олиш, никоҳдан аввал ўтиладиган тиббий кўрикни янада қатъийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада жамоатчилик, хусусан, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклаш зарур.

Дилдора Абидова, шунингдек, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш соҳасида жамоатчилик ҳамда парламент назоратини кучайтириш гоёларини илгари сураётган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланса, мазкур таклифларни қонуларда акс эттириш учун курашади.

## Жамол АЧИЛОВ (132-Тўқимачи сайлов округи)



1982 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини «Ҳожи Носир» масъулияти чекланган жамиятида юрист-консультантликдан бошлаган. 2007-2012 йилларда Тошкент шаҳар Ол-мазор туман суд ижрочилари

бўлимида суд ижроси, Адлия вазирлиги Иқтисодий қонунчилик бошқармасида катта маслаҳатчи, етакчи ва бош маслаҳатчи, Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармасида бош маслаҳатчи ва бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган.

2012 йилдан Адлия вазирлигининг Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Номзод ўз сайловолди дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш, хусусан, давво аризалари киритилганда олинадиган турли тўлов миқдорларини мақбуллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий манфаатларига дахлдор бошқа масала-

ларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш масалаларини илгари сурмоқда.

— Боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини янада такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман, — дейди у. — Бунда мазкур оила аъзоларини иш билан таъминлаш, улар ўз ишини ташкил этиши учун янада кенг шароит яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ижтимоий ёрдам ташаббускорликка йўл очиши, одамларнинг оёққа туриб кетишига зиннат яратиши зарур.

Жамол Ачилов ёш бўлишига қарамадан, ҳуқуқ соҳасида яхши тажриба тўплаган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланса, қонунларнинг яратилиши жараёнида фол иштирок этишига шубҳа йўқ.

## Гулчехра ТУЛАГАНОВА (133-Кўкча сайлов округи)



1969 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат юридик университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. Юридик фанлар доктори.

Меҳнат фаолиятини Яқкасарой туман ижтимоий таъминот бўлими инспекторлигидан бошлаган. 1994-2014 йилларда «Янгиобод» фирмасида юрист, Тошкент шаҳридаги 271-мактабда тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари ўқитувчиси, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси,

Тошкент адвокатлар ҳайъати адвокати, 1-Яқкасарой туман нотариал идорасининг стажёр-нотариуси вазифаларида ишлаган. Ҳозирда Тошкент давлат юридик университети жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси доценти.

Гулчехра Тулаганова олиб борган илмий тадқиқотларнинг натижалари қонунни қўллаш амалиётида муваффақиятли татбиқ этилган. Унинг илмий асосланган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бир неча моддаларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритишда инобатга олинган. Унинг 100 дан ортиқ илмий мақола, 4 монография, 5 дарслик, 5 ўқув-услубий ва 15 ўқув қўлланма, 3 илмий-амалий рисоласи chop этилган.

Шунингдек, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳларнинг муаллифларидан биридир.

— Агар Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлансам, аҳолининг

ижтимоий ҳимояси ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари, хусусан, ногиронлар, пенсионерлар, кам даромадли оилалар ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш ташаббуси билан чиқаман, — дейди у. — Партиядошларим имкониятларидан фойдаланиб, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасида ҳуқуқий шартномавий муносабатларни янада ривожлантириш, бу борада ЎзХДП электоратининг ҳуқуқий белгиларини оширишни назарда тутадиган қонунлар лойиҳаларини таклиф этаман.

Гулчехра Тулаганова ҳуқуқ соҳасидаги етакчи олимлардан биридир. У Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланса, қонун ижодкорлигини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўша олиш салоҳиятига эга.

## Фуркат САГДУЛЛАЕВ (134-Кўйлик сайлов округи)



1964 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат техника университетини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-механик.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бошлаган. Кейинчалик шу корхонада кадрлар тайёрлаш муҳандиси,

техника таъминоти муҳандиси, бўлим бошлиғи, молия бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимларида меҳнат қилган. 2001-2011 йилларда «Симур» ОАЖ директори-нинг ўринбосари, «Азия Паепласт» корхонаси директори вазифаларида ишлаган. 2011 йилдан «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг техника таъминоти ва транспорт бошқармаси бошлиғи.

У меҳнат фаолияти давомида мамлакатимизда олиб борилаётган аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсатни такомиллаштиришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан корхонада кўплаб иш ўринлари яратилиб, бир неча таълим муассасаларининг битирувчилари иш билан таъминланди. Депутатликка номзод сифатида эса мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиришга, албатта иш ўринларига эга бўлишлари учун тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар

яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Фуркат Сагдуллаев давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари учун ижтимоий уй-жой фондиди ташкил қилишнинг аниқ механизмларини яратиш таклифини илгари сураётган. Шунингдек, уй-жой-коммунал хизматлар нархининг ижтимоий мақбуллик даражасини ошириш, коммунал хизматларнинг арзон ва муқобил турларини ривожлантириш бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни режалаштирган.

— Агар депутат этиб сайлансам, партиямиз электорати манфаатлари ҳимояси йўлидаги кўплаб ташаббусларни илгари сурмоқчиман, — дейди у. — Депутатлар партия гоёларини қонунда акс эттирадиган асосий куч экан, менига ана шу имконият берилса, ундан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламан.

## Дилмурад АТАЕВ (135-Шайхонтоҳур сайлов округи)



1970 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Мутахассислиги — қурувчи-муҳандис, молиячи.

Меҳнат фаолиятини 1990 йилда «Ўзбекистон темир йўллари» тизимидаги Тошкент темир йўли оралигининг 4-йўналишида бошлаган.

1993-2012 йилларда Давлат мулк кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасида етакчи ва бош мутахассис, Юнусобод туман ҳокимлиги Назорат инспекцияси бошлиғи ўринбосари, Давлат мулк кўмитаси бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган. 2012 йилдан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Инвестиция департаменти бошлиғи.

Дилмурад Атаев Тошкент шаҳрида канализация, шаҳар кўчаларини ёритиш тизимини, маиший чиқиндиларни қайта ишлашни янада ривожлантириш ҳамда Сергели ва Юнусобод туманларида иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти лойиҳалари юзасидан инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, коммунал соҳани ривожлантиришга

оид янги лойиҳалар устида ҳам иш олиб бормоқда.

— Ҳаёт ўзи кўрсатаптики, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг айрим қатламлари давлат ва жамиятнинг аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади, — дейди у. — ЎзХДП айнан ана шу қатлам манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлаган. Бу масалага оид қонунлар содда, аниқ, халқ учун тушунарли бўлиши, жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлашга эътиборимизни қаратишимиз зарур, деб ўйлайман. Шу вақтга қадар тўплаган тажрибамдан келиб чиқиб, чиқиндиларни қайта ишлаш санатини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, кўп қаватли уйлارга хизмат кўрсатиш соҳасида рақобатни ривожлантириш масалаларини тартибга солиш юзасидан қонунчилик ташаббуслари билан чиқмоқчиман.



# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси жамоаси



халқимизни мамлакатимиз

## Конституциясининг 22 йиллик

байрами билан муборакбод этади!

Озод ва обод Ватанимиз равнақи йўлида

меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг

барча орзу-умидлари рўёбга чиқаверсин.

Мафтункор диёримиздан тинчлик,

осойишталик ва

шоду хуррамлик аримасин!

Юртимиз тинч, истиқболимиз порлоқ бўлсин!



## «ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»

унитар корхонаси жамоаси

мамлакатимиз аҳлини

Конституциямиз қабул қилинганлигининг  
22 йиллик байрами билан табриклайди!

Юртимиз ободлиги, тараққиёти

ва элимиз фаровонлиги

йўлида амалга ошираётган

ишларингизда

муваффақиятлар тилайди.



ТИНЧЛИГИМИЗ БАРҚАРОР,  
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!



ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

## «Асака» банк жамоаси

Сизни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллиги байрами билан табриклайди ва миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

### «Конституция-2014»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги 90 дан ортиқ қулай шартларга асосланган омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-49-93	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-93	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-18-61	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;  
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;

— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;  
— миқдори чекланмаган.

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти ва ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Ҳасан Нормуродовга турмуш ўртоғи  
**ЗУХРА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ижроия аппарати жамоаси етакчи мутахассис Малика Абдуллаевага волидаи муҳтарамаси  
**НОРТОЖИ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Агро Бизнес Информ» журнали таҳририяти жамоаси журнал масъул котиби Шухрат Муродовга онаси  
**Хурсаной МУРОДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:  
100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259  
14519  
nuxxada  
bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Erkin XOLBOBOYEV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5